

АГРОКЛАСТЕРЛАРГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ
УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ПРЕДМЕТИ ВА ОБЪЕКТИ

Қурбонов Санъатжон Салим Ўғли

Ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси
магистратураси 2-курс тингловчиси

Аннотация: ушбу мақолада агрокластерларга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси, прокурор назорати бўйича олимлар мулоҳазалари, предмети ва объекти, унинг турлари ва соҳага оид таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: агрокластер, прокурор назорати, предмет, объект турлари, аукцион.

Аннотация: В статье рассматривается понятие прокурорского контроля за исполнением правовых документов, связанных с агрокластерами, мнения ученых о прокурорском контроле, предмете и объекте, его видах и предложениях, касающихся сферы.

Ключевые слова: агрокластер, прокурорский контроль, субъект, виды объектов, аукцион.

Abstract: This article discusses the concept of prosecutor's control over the execution of legal acts related to agroclusters, the opinions of scientists on prosecutor's control, its subject and object, its types and proposals related to the field.

Keywords: agrocluster, prosecutor's control, subject, object types, auction.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги 8 йилда агрокластерлар аграр секторнинг асосий харакатлантирувчи кучи бўлиб, уларнинг ҳақ-хуқуқларини химоя қилиш прокуратура органлари олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Зоро, Конституциямизнинг 143-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”¹ - деб кўрсатиб ўтилган.

Ёки, “Прокуратура тўғрисида”ги Конунининг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш белгиланган.² Шундай экан, агрокластерларга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати, унинг предмети ва объектига доир масалаларни илмий тадқиқ этиш ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>

² Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ти янги таҳрирдаги Конуни. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar Publish”, 2021.

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

Агрокластер тушунчаси қонунчилик ижроси устидан назорат соҳаси учун янги тушунча бўлганлиги ҳамда агрокластерларга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати бўйича яхлит илмий тадқиқотлар амалга оширилмаганлиги оқибатида мазкур йўналишда прокурор назорати предмети, обьекти ва субъекти масалалари илмий жиҳатдан ўрганилмаган. Юридик адабиётларда прокурор назорати предметининг тушунчаси, обьекти ва чегараларини белгилаш борасида турли фикр-мулоҳазалар илгари сурилган бўлиб, қуйида ушбу масалаларга тўхталиб ўтамиз.

Таъкидлаш жоизки, прокурор назоратининг обьекти ва чегарасига қараганда прокурор назоратининг предмети борасида прокурорлик назорати фанида самарали ва батафсил қарашлар мавжуд. Хусусан, йигирма асрнинг 70-80 йилларидан бошлаб, прокурор назорати предметини тушуниш бўйича иккита жуда барқарор илмий позициялар илгари сурилган. Биринчи илмий позиция вакилларининг (Г.И. Бровин, В.Т Михайлов, С.Г.Новиков, А.А.Хомовский) фикрича, прокурор назоратининг предмети деганда, назорат нимага қаратилганлиги, бинобарин, прокурорлар назорат функцияларини амалга ошира-диган органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳаракатларининг (ёки ҳаракатсизлигининг) қонунийлиги тушунилган. Иккинчи позиция вакиллари (А.Д.Берензон, М.Х.Гельдибаев, К.Ф.Скворцов, М.Ю.Рагинский, Б.М.Spiридовон) прокурор назоратининг предмети ва обьектини, қоида тариқасида, ижтимоий муносабатлар орқали ва прокурор назоратининг вазифалари, функциялари, тамойиллари, шунингдек прокурорнинг ваколатлари призмаси орқали кўриб чиқадилар³.

Прокурор назоратининг предмети масаласида мамлакатимиз хукуқ-шунос олимлардан Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, қонун ижроси устидан назорат предмети, бу мазкур назорат соҳасидаги прокурор фаолиятнинг асосий параметрларири. Қонунлар ижроси устидан назорат соҳасидаги прокурор назорати доиралари ва предмети Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ти Қонунида (янги таҳрири) ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғида янада аниқ ва тўла ифодал-анганд. Назорат предметининг ядрои сифатида қонунларнинг ижроси намоён бўлади. Бундай ёндашув, прокуратуранинг назорат органи сифатидаги ўзига хос мақомини ҳамда унинг бош вазифаларидан бўлмиш қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш юзасидан қонунда белгиланган хукукий кучини реал акс эттиради⁴.

³ Агутин А.В. Объект и предмет прокурорского надзора за исполнением законов при расследовании преступлений экстремистской направленности: понятие и содержание // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2017, № 2. -С. 98.

⁴ Пулатов Б.Х. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати // Ўқув кўлланма. -Тошкент, “Хукуқ ва бурҷ” журнали. 2006. – 99 б.

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

Ёки, О.М.Мадалиев эса “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларида белгиланган ҳуқуқий муносабатлар - прокурор назоратининг предмети бўлиб, ҳар бир асосий йўналиш ўз мазмунига кўра, жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши уларнинг эгаллаган лавозими ва мавқеига қараб турличадир, деб таъкидлайди⁵. Шу каби, бошқа тадқиқотчи олимлар А.Б.Комилов⁶, Ш.Ж.Рахимов⁷ ва М.Т.Абдуҳакимовлар⁸ ҳам прокурор назорати предметига турлича таъриф беришган.

Фикримизча, А.Б.Комилов ва Ш.Ж.Рахимовларнинг тадқиқот ишла-рида юқоридаги прокурор назорати тушунчасига берган таърифларнинг айrim жиҳатлари билан келишиб бўлмайди, М.Т.Абдуҳакимовнинг тадқиқот ишида юқоридаги таърифга қўшимча тариқасида вазирлик, идора, ташкилот ва мансабдор шахслар томонидан қонун талабларига риоя этилиши билан бирга улар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий хужжатларнинг қонун талабларига мувофиқлигини таъкидлаган.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасида қонунлар ижроси устидан назорат предмети назарда тутилган. Унга кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган хужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади.⁹

Ҳуқуқшунос олимлар Н.Н.Карпов¹⁰, А.Х.Казарина¹¹, А.Ю.Винокуров¹², О.С.Капинус¹³ каби назариётчи олимлар гуруҳи прокурор назорати предметига

⁵ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. - Б. 53-54.

⁶ Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. -Тошкент, Бош прокуратура Академияси. 2020. – Б. 24.

⁷ Рахимов Ш.Ж. Сув тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент. Бош прокуратура академияси. 2022. – Б.26.

⁸ Абдуҳакимов М.Т. Ер тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент. Бош прокуратура академияси. 2023. – Б.26.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ти янги таҳрирдаги Конуни. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar Publish”, 2021.

¹⁰ Карпов Н.Н.Прокурорский надзор за исполнением имеющих нормативный характер указов Президента Российской Федерации// Вестник Академии Генеральной прокуратуры РФ.-2012.-№5.-с.26-31. 30-стр.

¹¹ Казарина А.Х. Предмет обўего надзора// Законность-2004.-№11 –С-7-9. 8-стр.

¹² Винокуров А.Ю. Прокурорский надзор за исполнением законов // Актуальные проблемы прокурорской деятельности: курс лекций под ред О.С.Капинус.-М., 2015.- С.12-13.

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

нафақат қонунлар ижроси балки бошқа турдаги норматив-хукукий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини ҳам тушунилади деб фикр юритишган. Бироқ, фикримизча агрокластерларга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати предметига фақатгина Конституция ва қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, тадқиқот иши доирасида ўтказилган сўровномада **107 нафар** иштирок этганларнинг **94 таси ёки 87 фоизи** агрокластерлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратига зарурати мавжудлиги ҳақида фикр билдиришган¹⁴. Зоро, “Норматив-хукукий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 7-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонун ҳужжатлари ҳисобланиши белгиланган.¹⁵

Назаримизда, агрокластерларга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предмети сифатида бажарилиши умуммажбурий бўлган қонун ҳужжатларига риоя этилишини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда агрокластерларга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг предмети юзасидан илмий мулоҳазаларни илгари сурамиз.

Агрокластерлар фаолиятига оид муносабатларини тартибга солувчи маҳсус қонун ҳужжатлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли прокурор назорати предмети тушунчалик аниқ фикр-мулоҳазалар мавжуд эмас. Бу эса юридик адабиётларда бу билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни ўрганиш ва тадқиқ этишни тақозо этади.

Хукуқшунос олимлар томонидан агрокластерларга оид қонунчилик соҳасидаги назорат предметини маҳсус ўрганилмаган бўлса-да, Б.Х.Пўлатов¹⁶ ва О.М.Мадалиев¹⁷лар прокурор назоратининг предметига “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 4, 20-моддалари мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ёндошган. Тадқиқ қилинаётган мавзу бўйича **прокурор назоратининг фаолияти доирасини белгилаш** орқали агрокластерларга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предметини аниқ шакллантириш мумкин.

Агрокластерларга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати **фаолият йўналишини** қуидаги тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ: агроклас-терларни ташкил

¹³ Винокуров А.Ю. Прокурорский надзор за исполнением законов // Актуальные проблемы прокурорской деятельности: курс лекций под ред О.С.Капинус.-М., 2015.- С.12-13.

¹⁴ Прокуратура органлари ходимлари ўртасида “Аграр соҳада кластер корхоналари фаолияти устидан прокурор назоратини такомиллашибириш масалалари” тадқиқот мавзусида ўтказилган сўровнома натижалари. (диссертациясига илова қилинган)

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хукукий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й.

¹⁶ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. маъсул мухарирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: O'zbekiston, 2009. – Б. 147-148.

¹⁷ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Олий ўкув юрглари учун дарслик. (Умумий кисм) – Т.: “ИЛМ ЗИЁ”, 2012. – Б.44.

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишида қонунларни ижро этилиши, агрокластерларга ер ажратиш ва ерга бўлган ижара хуқуқларини бекор қилишда қонун талабларига амал қилиниши, агрокластерларнинг ажратилган ер майдонларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, агрокластерлар томонидан давлат томонидан ажратилган имтиёзли кредит, субсидия ва бошқа моддий ресурслардан фойдаланишда қонун талабларига риоя этилиши, агрокластерларнинг шартнома ва тўлов интизомига риоя этилишида қонун талабларига риоя этилиши, агрокластерларнинг маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва сотишида қонунларни ижро этилиши, агрокластерлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш ва агрокластерларга хуқуқий таъсир чораларини қўллашда қонун нормаларига амал қилиниши, агрокластерларга оид қабул қилинган хужжатларнинг Конституция ва қонунчиликка мувофиқлигини ўрганиш лозим

Прокурорлар агрокластерларга оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишда ўз ваколатларидан фойдаланиш борасида назорат чегарасини тўғри белгилаб олишлари лозим. Зеро, прокурор агрокластерлар томонидан ердан, имтиёзли кредит, моддий ресурслардан мақсадли фойдаланиш, маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилишда қонун талабларига амал қилиниши, бу борада қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш билан бирга агрокластерларнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмаслик, назорат идоралари функцияларини бажармаслик ҳам муҳим ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганлардан хulosा қилиб шуни таъкидлаш жоизки, агрокластерларга оид қонун **қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предмети** - бу вазирликлар, қўмиталар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан агрокластерларга ер ажратишида, ижарага (қайта ижарага) бериш, давлат рўйхатидан ўтказиш, экинларни жойлаштириш, етиштириш, сақлаш ва сотиш, моддий ресурс ва маблағларни етказиб бериш, улардан мақсадли фойдаланишда қонун хужжатларининг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан мазкур йўналишда қабул қилинаётган хужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқлиги ҳисобланади. Яъни, прокурорнинг тартибга солиш фаолияти йўналтирилган агрокластерларга оид ижтимоий муносабатлардир.

Шу ўринда, агрокластерларга оид қонунчилик ижроси устидан назорат предметининг чегарасини аниқлаб олиш прокурорлар томонидан ўтказиладиган назорат тадбирларида муҳим ўрин тутишини таъкидлаш лозим бўлади. Бироқ, агрокластерлар тўғрисидаги қонунчиликда ер

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

ажратиши тартиби ишлаб чиқилмаганлиги сабабли назорат предмети масаласида ноаниқликлар юзага келмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффоффликни таъминлаш, ерга бўлган хукуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6243-сонли Фармони 2-бандига мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган электрон онлайн аукцион якунларига кўра, фақат ижарап хукуки асосида ажратилиши белгиланганини боис прокурорлар назорат предметига электрон онлайн аукционларни қонунийлигини ўрганиш каби янги институтлар кириб кела бошлади.¹⁸

Бироқ, бугунги кунга қадар электрон онлайн аукционларни ўтказиш тартиби қонун хужжатларида акс этмаган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 январдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-15-сонли Фармони 8-бандида агросаноат кластерларига ер участкаларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри ижарага бериш тартиби бекор қилиниши, агрокластерлари ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали ёки йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан ижарага олиш белгиланганди, холос.¹⁹

Фикримизча, бугунги кунга қадар агрокластерларни электрон онлайн аукцион савдоларида иштирок этиш ўтказиш мезонлари, тартиби, шартлари ҳамда йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан ижарага олиш тартибини янгидан қабул қилинадиган “Агрокластерлар тўғрисида”ги Қонун ёки Вазирлар Маҳкамаси қарори билан белгилаб бериш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда бу прокурор назоратининг сифат ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, агрокластерларнинг ерга эгалик қилиш хукуки бузилишига сабаб бўлади.

Юқоридагиларга кўра, агрокластерларга электрон онлайн аукцион ўтказиш тартибини ишлаб чиқиши, унда агрокластерларни аукционга кириш тартиби ва шартлари, танлов ғолибини агрокластернинг ихтисослашуви, қишлоқ хўжалигини маҳсулотини етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр аҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган имкониятларидан келиб чиқиб аниқлаш мезонларини белгилаш таклиф қилинади. Агрокластерларга оид қонун хужжатлари ижроси юзасидан прокурор назорати объектини аниқламасдан туриб, назорат ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Изоҳли луғатга кўра объект деганда муайян шахснинг фаолияти

¹⁸ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.06.2021 й., 06/21/6243/0540-сон; 24.03.2022 й., 06/22/91/0233-сон.

¹⁹ ҚММБ, 19.01.2024 й., 06/24/15/0050-сон

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

ёки дикқати йўналтирилган ҳодиса, шахс ёки предмет тушунилади.²⁰ Прокурор назоратининг предметини тушуниш учун унинг объектини аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Прокурор назорати объектига нималар кириши хақида турли хил ёндошувлар мавжуд. Айрим олимлар гурухи прокурор назорати объекти деганда қонунлар ижроси юзасидан прокурор текширув ўтказадиган корхона, муассаса, ташкилот ва бошқалар тушунилади деган фояни илгари суришади.²¹

Прокурор назорати доираси деганда прокурорнинг назорат фаолиятини амалга оширадиган чегара тушунилади. Прокурор назоратининг доирасини тавсифлашда айрим олимлар ушбу тушунчани прокурор томонидан текшириш ўтказишида, ваколатни тадбик этишда ҳамда прокурор назорати ҳужжатларини қўллашда лозим бўлган, мумкин бўлган ва таъкиқланган чегараларни белгиловчи ҳуқуқий туркумни тушуниш керак деб ҳисоблайди.²²

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, давлатнинг конституциявий тузуми ўзгариши билан прокурорларнинг одатдаги прокурор назорати назариясига кирадиган тушунчалар ҳақидаги тасав-вурлари ва қарашларида муайян ўзгаришлар юз берди. Айни пайтда прокурор назорати объекти каби энг муҳим тушунчалар бугунги кунда тўлақонли тадқиқ этилмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 марта “Кишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3406-сонли Фармони қабул қилинган даврда агрокластер шаклида корхоналар мавжуд бўлмаганлиги сабабли прокурор назорати объектлари сифатида деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш энг устувор вазифа сифатида белгиланган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 2016-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида агрокластерлар фаолиятига доир норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларда у ёки бу маънода прокурорнинг аграр соҳадаги назорат объектлари ваколат ва вазифалари ўз аксини топди. Шу маънода агрокластерларга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати объектларини уч гурухга бўлиб ўрганиш назаримизда тўғри бўлади.

Мазкур соҳада назорат объектиning **биринчи гурухига** агроклас-терларнинг ташкил этиш билан боғлиқ давлат бошқарув органлари (*вазирликлар, қўмиталар*,

²⁰ Словарь русского языка: В 4-х т. / РАН, Инт-т лингвистич. Исследований: Под ред А.П.Евгеньевой.-4-е изд, стер,-М.Рус, яз: Полиграфресурсы, 1999.

²¹ Прокурорский надзор / Под редакцией Ю.Ю.Е.Винокурова. М.: Юрайт. 2013.С.17.

²² Казарина А.Х. Теоретические и прикладные проблемы прокурорского надзора за исполнением законов экономической направленности: Автореф. дис....канд. юрид.наук.М., 2009. С.40.

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

агентликлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари) ва бошқаларни киритиш мумкин.

Иккинчи гурухга агрокластерлар фаолияти устидан назорат ёки муайян ваколатга эга бўлган назорат қилувчи органлар (агроинспекция, ветеринария, қарантин, сувназорат каби) ва бошқа мансабдор шахсларни киритиш мумкин.

Учинчи гурухга эса бевосита агрокластерлар, улар билан ҳамкорлиқда иш олиб борувчи таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (биржас, нефть, минерал ўғит етказиб берувчи, банк хизмати кўрсатувчи ва ҳоз) ни киритиш мумкин.

Прокурор назорат обьекти сифатида **биринчи гурухга** кирадиган вазирлик ва идоралар агрокластерлар ташкил этиш ташаббускорлари мурожаатлари кўриб чиқилиши, уч томонлама шартномалар тузилишида қонун бузилиш ва коррупция ҳолатларига йўл кўйилган ёки кўйилмаганилигига оид ўрганилса, **иккинчи гурухга** кирадиган орган ва мансабдор шахслар устидан улар томонидан агрокластерларга оид қонун хужжатлари ижроси юзасидан назорат тадбирлари қай йўсинда амалга ошираётганли, ваколатларни тадбиқ этишда суиистеъмолчилик ва ўзбошимчалик ҳолатларига йўл кўйилмаётганлиги кабиларга баҳо берса, **учинчи гурухга** кирувчи обьектларда кўпроқ агрокластерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларни моддий ресурс ва маблағ билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратиши билан аҳамиятга моликдир.

Мисол учун, пахта ва ғаллачилик ихтисослашувидаги агрокластерларга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати обьектига пахта ва ғаллачилик йўналишидаги илмий тадқиқот институтлари, пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлар кабилар кирса, чорвачиликка ихтисослашган агрокластерларга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати обьектларига ветеринария, чорвачиликда наслчилик идоралари ҳам прокурор назорати обьекти жумласига кириб кетади. Юқоридагилардан келиб чиқиб хulosса қилиш мумкинки агрокластерларга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати турли хил назорат органларидан мустақил равишда амалга оширилади.

Прокурор томонидан келгусида агрокластерларга оид қонунчилик ижроси устидан юқорида санаб ўтилган обьектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга назорат идораларидан мутахассис жалб қилишда Ўзбекистон Республикасининг 24.12.1998 йилдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 374-сонли Қарори талабларига қатъий амал қилиши лозим бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, агрокластерларга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предметига тўхталишдан аввал прокурор ваколати тадбиқ этиладиган мансабдор шахслар ва ижтимоий муносабатлар доираси аниқ белгилаб олиниши, қонун ҳужжатлари мукаммал тарзда агрокластерлик муносабатларини тартиб-тамойилларини акс эттириш, агрокластерларга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объектларини тўғри аниқланиши прокурор назоратининг сифати ва самарадорлигини таъминлашда мухим аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Конуни. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar Publish”, 2021.
3. Агутин А.В. Объект и предмет прокурорского надзора за исполнением законов при расследовании преступлений экстремистской направленности: понятие и содержание // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2017, № 2. -С. 98.
4. Пулатов Б.Х. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати // Ўқув кўлланма. - Тошкент, “Ҳуқуқ ва бурҷ” журнали. 2006. – 99 б.
5. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. - Б. 53-54.
6. Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий химоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. -Тошкент, Бош прокуратура Академияси. 2020. – Б. 24.
7. Рахимов Ш.Ж. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент. Бош прокуратура академияси. 2022. – Б.26.
8. Абдуҳакимов М.Т. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент. Бош прокуратура академияси. 2023. – Б.26.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Конуни. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar Publish”, 2021.

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

10. Карпов Н.Н.Прокурорский надзор за исполнением имеющих ноормативный характер указов Президента Российской Федерации// Вестник Академии Генеральной прокуратуры РФ.-2012.-№5.-с.26-31. 30-стр.
11. Казарина А.Х. Предмет обўего надзора// Законность-2004.-№11 –С-7-9. 8-стр.
12. Винокуров А.Ю. Прокурорский надзор за исполнением законов // Актуальные проблемы прокурорской деятельности: курс лекций под ред О.С.Капинус. -М., 2015.- С.12-13.
13. Прокуратура органлари ходимлари ўртасида “Аграр соҳада кластер корхоналари фаолияти устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари” тадқиқот мавзусида ўтказилган сўровнома натижалари. (диссертациясига илова қилинган)
14. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Конуни // Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й.
15. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Олий ўқув юртлари учун дарслик. (Умумий қисм) – Т.: “ИЛМ ЗИЁ”, 2012. – Б.44.
16. Прокурорский надзор / Под редакцией Ю.Ю.Е.Винокурова. М.: Юрайт. 2013.С.17.
17. Казарина А.Х. Теоретические и прикладные проблемы прокурорского надзора за исполнением законов экономической направленности: Автореф, дисканд. юрид.наук.М., 2009. С.40.